

ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 сентябрь куни мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бирёклама иқтисодиёт барқарор бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ислох қилиб, кенг қўламда ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, туризм драйвер соҳалардан бири сифатида белгиланиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Масалан, сайёҳларга виза бериш енгиллаштирилди. Аэропортларда навбатлар ва текширишларга барҳам берилди, “яшил йўлак”лар ташкил қилинди. Валюта айирбошлаш бемалол бўлди. Туризм корхоналари учун ижтимоий солиқ ва айланма солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди, ер солиғи ва мол-мулк солиқ ставкалари 90 фоизга камайтирилди. Меҳмон ўринлари сони 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар кўпайиб, 125 мингтага етди. Меҳмонлар электрон рўйхатдан ўтказиладиган бўлди. Бу йил туризм пандемиядан кейин қайта тикланыпти. Сентябргача юртимизга келган хорижий туристлар сони 2021 йилдагига нисбатан 3 баравар кўпайди. Йил бошидан буён туризм экспорти ҳажми 926 миллион доллар бўлди. Юртимизга келган меҳмонларнинг саёхати ўртача 4-5 кунгача, сарфлаган маблағи 305 долларгача кўпайди. Ички сайёҳлар сони ҳам ўтган йилдагига нисбатан 3,5 баравар ўсиб, 7,5 миллион нафарни ташкил қилди. Президентимиз бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб, шароит яратётгани бежиз эмас. Чунки туризмдан топилган даромаднинг 30 фоизи одам-

ларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради. Бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки беради. Яъни туризм ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш, ҳам хизматлар экспортини оширишда жуда катта манба. Йиғилишда туризм бўйича ҳудудлардаги ишлар ҳолати таҳлил қилинди. Бу борадаги улкан имкониятлар ва улардан фойдаланиш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди. Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази барпо этилди. Яқинда у ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити юқори савияда ўтди. Бу кўп тармоқли марказ таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс маркази, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва бошқа кўплаб иншоотлар бор. У йилига 2 миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин. Давлатимиз раҳбари энди бу мажмуага сайёҳларни жалб этиш, элчиҳоналар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда “Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси” брендини тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берди. Транспорт вазирлигига янгиланган Самарқанд халқаро аэропорти имкониятларидан самарали фойдаланиш, хорижий авиакомпаниялар рейслари-

га бўлган чекловларни олиб ташлаб, халқаро қатновларни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Шу йил 26 апрель куни ўтказилган йиғилишда шаҳар ва туманларда туризм хизматларини кўпайтириш, бундай лойиҳалар учун 1 триллион сўмлик кредит ресурслари ажратиш чоралари белгиланган эди. Бунинг ижроси таҳлил қилинар экан, вилоятларда сайёҳлар борадиган жойлар камлиги, маблағлар ҳали тadbиркорларга етиб бормагани кўрсатиб ўтилди. Фарғона вилояти ҳокими 5 та туман ва 3 та шаҳарни қамраб олган “Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси”ни ташкил этиш борасидаги ишларни сўзлаб берди. Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам амалга ошириш, ташаббускорларни молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, сув омборлари, ўрмон ҳўжалиги ерларини ўрганиб, хавфсиз ерларда туристик зоналар ташкил этиш мумкинлиги қайд этилди. Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразмнинг чўл ҳудудларида “сафари” туризмининг ривожлантириш бўйича таклифлар билдирилди. Яна бир салоҳиятли йўналиш — зиёрат туризми. Мамлакатимизда 1 минг 200 дан зиёд зиёратгоҳлар бор. Йиғилишда бу имкониятни тўлиқ ишга солиб, йилига камида 1 миллион сайёҳни жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва араб мамлакатларидан авиарейсларни кўпайтириш, малакали гидлар тайёрлаш, зиёратгоҳлар шароити ва йўлларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Юртимизда туризмга ихтисослаштирилган 135 та маҳалла бор. Уларнинг аксарияти узоқ ҳудудларда бўлгани учун инфратузилма масаласи долзарб. Шу боис Президент туризм маҳалаларида йўл, электр, сув ва интернет муаммосини ҳал этиш бўйича дастур ишлаб чиқишга кўрсатма берди. Саёҳатлар учун автомобиль йўллари ҳам муҳим. Лекин замона заили билан автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, Тошкент — Самарқанд йўналишида беш йил олдин суткасига 25 мингта автомобиль юрган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 35 мингтага етган. Натижада йўлга кетадиган вақт ҳам ортган. Шунинг учун мамлакатимиз шаҳарлари ўртасида поезд ва самолёт қатновларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Президентимиз туристлар учун қўлайликларни кўпайтириш, соҳага оид тартибларни соддалаштириш масалаларига алоҳида тўхталди. Масалан, бугунги кунда меҳмонхона ташкил этиш учун 97 та талаб бор. Tadbirkorларнинг фикрларини инобатга олиб, бу талабларни

халқаро стандартлар асосида соддалаштириш вазифаси қўйилди. Туристларни ички ишлар идораларида рўйхатга олиш тартибида ҳам ноқўлайликлар бор. Хусусан, хориждан келган туристни меҳмонхона 2 кун ичида, қариндошиникида қолганда эса, уйнинг эгаси 3 кун ичида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиши керак. Ички ишлар вазирлигига бу тизимни таҳлил қилиб, ортиқча чекловларни олиб ташлаш бўйича топшириқ берилди. Бунда хорижий туристларни вақтинчалик рўйхатга олиш ўрнига онлайн хабардор қилиш тартибига ўтилади. Шунингдек, туристик агентларга ҳам лицензия талаби бекор қилиниб, хабардор қилиш тартибининг жорий этиш режалаштирилмоқда. Бу орқали қўшимча 1 мингта турагент пайдо бўлишига имконият яратилади. — Туризм — бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани. Шунинг учун ҳар бир ҳудудда бу соҳага жиддий эътибор қаратиб, кўпроқ сайёҳларни жалб этиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев. Умуман, келгуси йилда 7 миллион хорижий ва 12 миллион маҳаллий туристларни жалб қилиш, туризм экспортини 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги таъкидланди. Бу бўйича аниқ йўналишлар кўрсатилиб, ихросига масъулла-р белгиланди.

Ў.А.

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАҚОЛАСИ НЬЮ-ЙОРКДА ОЧИЛГАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 77-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд шаҳрида 15-16 сентябрь кунлари бўлиб ўтган мажлисига бағишлаб эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида чоп этилди.

Ҳужжат БМТ журналида ҳам нашрдан чиқди, ташкилотга аъзо давлатлар ва унинг таркибий бўлинмалари орасида кенг тарқатилди. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг маъзур мақоласи ШХТнинг Самарқанд саммити арафасида хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб, Ўзбекистон-

нинг 2021-2022 йилларда раислиги даврида фаолияти жаддалашган ташкилотга дунёда қизиқиш ва эътибор янада кучайишига туртки бўлди. 12 сентябрь куни Ўзбекистон Президенти мақоласи етакчи миллий ҳамда хорижий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари томонидан чоп этилди, бошқа

кўплаб ахборот ресурслари уни ўз манбаларига жойлаштирди. Дастлабки маълумотларга кўра, мақола 35 дан ортиқ мамлакатлардаги 150 дан зиёд ОАВда ўнлаб тилларда чоп этилган.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

ЕВРООСИЁНИНГ ГЕОСИЁСИЙ МАРКАЗИ САМАРҚАНДГА КЎЧМОҚДА

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити бўлиб ўтган кунлар дунёнинг етакчи интернет-изловчиси глобал янгиликлар бўлимида “Samarkand” сўзи 7 370 000 марта қайд этилган. Бу қадимий кент ўша кунларда муқаддам бир оз унутилган Евроосиёнинг бош шаҳри мақомини яна ўзида намоён этди. Тан олиш лозимки, “Шарқ гавҳари”га бундай нуфузли мақом жуда ярашади. Бундан олти йўз йил аввал у соҳибқирон Амир Темур давлатининг пойтахти сифатида шухрат қозонган эди. Бугунги кунда эса янги Ўзбекистоннинг жаҳон дипломатиясидаги галабасини намоён этган майдонга айланди.

■ Нигоҳ

Мамлакат, минтақа ва дунё учун муҳим ҳужжат

Саммитга келган кўплаб меҳмонлар бу йирик анжуманнинг айнан Самарқандга ўтказилиши алоҳида бир рамзий маънога эга эканини эътироф этишди. Аҳамият-лиси, “ШХТ оиласи”нинг давлат раҳбарлари учрашувини ташкил қилиш учун бу ерда махсус “Буюк

Ипак йўли” мажмуаси қурилди. Президент Шавкат Мирзиёев унинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, асрлар давомида Хитойнинг қадимий Сиань шаҳридан бошланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳудудидан ўтган ва кўҳна Римга қадар етиб борган

маъзур улкан савдо йўли жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий мулоқот воситаси бўлиб келган. Азим Самарқанд эса, Буюк Ипак йўлининг асосий манзилларидан бири бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.



➡ 4

Мулоқот

ОРОЛБЎЙИ МАСАЛАСИДА АЛОҚАЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати вакилларининг Кувайт илмий-тадқиқотлар институтининг илмий-техник ҳамкорлик ва келишувлар бўлими мудири Валид Рой билан онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Оролбўйида пойтахтларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон томонидан Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси Б. Алиқонов, Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги раҳбари В. Соколов ва Сенат девончи ходимлари иштирок этди.

Мулоқотда иштирокчиларда иккита устувор

масала — Оролбўйининг шўрланган туپроқларидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини еттиштириш учун агробиотехнологиялардан фойдаланиш, шунингдек, инфратузилма мавжуд бўлмаган чекка ҳудудларда дроңлар учун ёнилғи сифатида “яшил” водородни ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланиш технологияларини жорий этиш масалалари катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда Оролбўйи масаласида ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Фракцияларда

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқида илгари сурилган муҳим ташаббуслар идора ва ташкилотларда, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари ҳам маъзур масалага бағишланиб, ушбу тарихий нутқдан келиб чиқувчи устувор вазифалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга, мамлакат тараққиётига оид бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, ШХТнинг Самарқанд саммити доирасида иқтисодиёт, савдо ҳамда инвестиция соҳаларидаги шерикликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани депутатлар томонидан эътироф этилди.

Президентимиз нутқида белгиланган вазифалар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, юксак иқтисодий ривожланишга эришишга хизмат қилиши айтилиб, бу борада партия ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган масалалар бўйича иш олиб борилиши айтилди.

➡ 3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 13 сентябрда маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати доирасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотлар доирасида пенсия тизимини такомиллаштиришга, пенсиялар миқдорини мунтазам ошириб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг оворагарчилигини бартараф этиш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, шунингдек қонунчилик базасини такомиллаштириш мақсадида фуқаронинг 2005 йил 1 январдан аввалги давр учун иш стажы шахсининг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида, ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан белгиланиши, пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланиши ва тўланиши, уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсияларнинг текширилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтидаги қўшиб ҳисобланадиган иш стажы даври икки баробарга, яъни уч йилдан олти йилга оширилганлиги пенсия тизими ислохотидаги муҳим қадамлар бўлди.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошириб борилишини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу Қонунда ёшга доир, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг кўп миқдорини пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача ошириш назарда тутилмоқда.

Қонунда таклиф этилаётган янги нормалар пенсияерларнинг моддий фаровонлигини янада оширишга ва ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «ўн» деган сўз «ўн икки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
2) **31-модданинг олтинчи қисмидаги** «ўн» деган сўз «ўн икки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
3) **66-модданинг учинчи қисмидаги** «Аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарма» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хўкумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.
Ушбу Қонун 1-моддасининг 1 ва 2-бандлари 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 сентябрь
№ ЎРҚ—791

ШҲТ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

Самарқанд саммити илк бор 14 мамлакат раҳбарларининг коронавирус пандемиясидан сўнг бир жойга жамулжам бўлгани билан тарихга кирди. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг икки ва кўп томонлама расмий учрашувлари ҳамда юқори даражадаги халқаро сиёсий-дипломатик тадбирлар ҳам саммит доирасидаги муҳим воқеаликлардан бўлди.

Ўзбекистон раислигида ўтган ушбу саммит учун Самарқанд шаҳрининг танланиши бежиз эмас. Нафақат миллий давлатчилигимиз, балки жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўринга эга, Европада Хитойга қадар қўзилган Буюк Ипак йўлининг чоррахаси сифатида халқларни мустаҳкам ришталар билан боғлаган ушбу боқий шаҳарда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янги саҳифалари очилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, тарихан шаклланган тушунчага кўра Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқок эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринадди. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменининг мазмунини ҳам асли шунда муҳассас бўлиб, у халқаро ҳамкорлиқнинг, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги шериклиқнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

Шу ўринда мазкур ташкилотнинг тарихига бир қур назар солсак. Дастлаб “Шанхай бешлиги” номи билан фаолият бошлаган уюшма, 2001 йил июнь ойида Ўзбекистон-



Хусусан, Президентимиз Фармони билан Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази очилди, ташкилотга аъзо давлатлар темир йўл маъмурияти раҳбарлари учрашувлари механизми йўлга қўйилди, Самарқандда “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети барпо этилди.

Айтиш жоизки, ташкилот “Шанхай руҳи” тамойили, яъни ўзаро ишонч, дўстлик, манфаат, ҳурмат, умумий тараққиётга интилиш, аъзо давлатлар ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий имкониятларидан қатъи назар, уларнинг барчаси тенг ва ҳамжиҳатлиги асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Лексин айтини паллада дунёда юз бераётган жараёнлар фониди айрим давлатларда ушбу тамойилдан муйанг даражада узоқлашиш кузатишмоқда.

Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги халқаро майдонда шундай шид-

датли воқеаликлар кечаётган ўзига хос тарихий даврга тўғри келди. Айни жараёнда 80 дан ортиқ тадбирлар амалга оширилди. Улар доирасида ташкилот учун хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги йўллари ва нукталарини излаш, минтақалараро савдо, саноат кооперацияси, инновациялар, қашшоқликни қисқартириш, рақамли трансформация каби муҳим масалаларни қамраб олган кун тартиби вужудга келди.

Мамлакатимиз етакчиси томонидан Афғонистоннинг иқтисодий тараққиётини ривож, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёналарига интеграциялашувига кўмаклашиш ва шу орқали бу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун шароит яратиш масаласи ҳам илгари сурилди. Президентимиз таъбири билан айтганда, асрлар давомида глобал миқёсдаги давлатлар ва минтақавий куч марказлари ўртасидаги қарама-қаршиликларда бугунги кундаги ўзгаришларнинг ўзгаришлари ўтаб келган Афғонистон эндиликда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўпrik ва зифасини бажаришдек янги тинчлик миссиясида ўзини намоян этмоғи лозим.

Ўртбосимиз шу фикрни билдираркан, минтақалараро ҳамкор-

ликнинг намунавий рамзи сифатида Трансафғон коридорининг қурилиш лойиҳасини амалга оширишни тақлиф этди. Бу лойиҳа нафақат иқтисодий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишда, балки минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Президентимиз маданий-гуманитар алоқалар аънаваний равишда ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асоси эканини таъкидлагани ҳолда, халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва бир-бирини ўзаро тушуниш принципини қўллаб-қувватлади ва ташкилот доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этиш зарурлигини билдирди. Бу эса мазкур соҳа вакиллари ва халқимизни беҳад қувонтирди.

Умуман, ШҲТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик, тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйишда платформа вазифасини ўтади. Шу маънода, ушбу анжуманин ШҲТ тарихида янги саҳифалар очди, десак, айна ҳақиқатдир.

Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ОЧИҚЛИК, ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТ ТАМОЙИЛАРИ – АМАЛДА

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити улкан муваффақият қозонди, дейишга асослар етарли. Зеро, дунё тарихида чуқур из қолдирадиган, узоқ йиллар давомида натижалари ҳамда ютуқлари қайта-қайта тилга олинадиган тарихий саммит кўпчилик ўйлагандан ҳам юқори даражада ўтди.

Ушбу нуфузли анжуман кун тартибига мурофий, давлат раҳбарлари ШҲТ доирасидаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилишлар, минтақада юзга келаётган сиёсий ҳамда иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги натижалари ҳақида тўхталиб, тузилманинг блокларга қўшилмаслик мақомини, очкилик ва кенг ҳамкорликка қаратилган руҳини сақлаш, муроа, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат принципларига амал қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шуларни ҳисобга олиб ҳамда ШҲТ доирасидаги кўп қиррали шериклиқнинг самарали таърибисига таяниб, давлатимиз раҳбари яқин йилларда ҳамкорлиқнинг асосий йўналишларидаги устувор вазифаларни ҳал этишга доир аниқ тақлиф ва амалий та-



шаббусларни илгари сурди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг афғон заминда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масаласига тўхталиб, Афғонистоннинг гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ҳамғарама тузиш тақлифини бергани инсонийлик, инсонпарварлик ва баррикенгликнинг ёрқин намунасидир.

Яна бир гап. Ўзаро бирлашиб, маслаҳатлашса ечилмайдиган муаммонинг ўзи йук. Айтиш мумкинки, Самарқанд саммити кўпчилик давлат раҳбарларига ана шундай имконият берди ва улар бундан унумли фойдаланди. Шу жиҳатдан, Самарқанд саммити дунёда хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашга, ташкилотнинг жаҳондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ашқашу ТУЛЕГЕНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

САМАРҚАНД САММИТИ «ЙИЛ ВОҚЕАСИ» СИФАТИДА ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммити аҳамияти, нуфузи ва қабул қилинган ҳужжатлар кўлими бўйича нафақат минтақа, балки дунё тарихида ёрқин из қолдирган, жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган юқори даражадаги анжуман бўлди.



Бир қатор хориж нашрларида Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбек дипломатиясини кўп йиллик машаққатли меҳнатининг махсули сифатида Самарқандда ўзининг юлдузли онларини ўтказди, деб эътироф этилди. Бу бежиз эмас.

Хусусан, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди Президент Шавкат Мирзиёевга ҳеч қайси давлат қисқа муддат давомида бу каби кучли “Самарқанд бренди” ва “Самарқанд шукухи”ни яратадиганлигини таъкидлаган бўлса, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Ўзбекистон етакчисининг сиёсатчиларни бирлаштириш, уларни ҳамкорликка чорлаш бўйича алоҳида қобилиятини урғуллади.

Аслида ҳам, Президентимиз бошчилигида Ватанимиз ташқи сиёсатда, халқаро ташаббусларни илгари суртишда, масалаларни биргаликда ҳал қилиш бўйича катта йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам фол қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг узвий давоми сифатида

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ПРИНЦИПИАЛ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон дунёда тинчлик, барқарорликни асраш, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлиқни ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этишга тайёр экани ШҲТнинг Самарқанд саммитида яққол исботини топди. Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган фикр ва ташаббуслар ҳам бунинг тасдиқлари.

Самарқандда бўлиб ўтган муҳокамаларда турли манфаат ва қарашларга эга бўлган, айрим масалаларда, ҳатто ўзаро зиддиятда бўлган давлатларнинг раҳбарлари иштирок этиши давлатимиз раҳбарининг халқаро майдонда муносиб мавқега эга эканини кўрсатди.

Бу саммит ҳамкорлик, мулоқот янги даражага кўтарилгани, аъзо давлатлар келажаги учун муҳим қарорлар қабул қилинганлиги билан тарихда қолади. Маълумки, саммитда ШҲТнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича принципиал қарорлар қабул қилинди. Уларнинг барчаси давлатлар ва халқларимиз ўртасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида хизматлар савдоси соҳасидаги ҳамкорлиқнинг асослари, ШҲТ мамлакатларини инфра-тузилмавий ривожлантириш дастури иқтисодий алоқаларни янги

даражага олиб чиқади. Ҳозирги кунда иқтисодий-иқтисодий муносабатларда ишлаб чиқариш билан бирга, хизматлар ва инфра-тузилмани ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда тузилмага аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича қўллаб-қувватлаш эришилди. Марказий Осиё давлатларида ўзаро алоқалар, борди-келди тўбдан яхшиланиши ва бир-бирига Президентимиз юритаётган очик прагматик сиёсат муҳим таянч бўлаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодиёти бир-бирини тўлдириш хусусиятига эгалиги ҳисобга олинса, саммитда қабул қилинган минтақа ичиде савдонинг ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қўллаб-қувватлаш янги имкониятларини очиб беради.

Ташкилотга аъзо давлатлар географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлса-да, шу вақтга қадар иқтисодий, савдо-сотик, хизмат



кўрсатиш, илмий-маданий алоқалар етарли даражада ривожланган, деб айта оламиз.

Саммитда Президентимиз илгари сурган ақсарият ташаббуслар ана шу муаммолар ҳолатларини бартараф қилишда, ҳамкорликнинг янги йўналишларини яратилишда ҳам долзарб аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси аъзо давлатларнинг манфаатларига, халқларимиз фаровонлигига янада кенг йўл очади. Иш ўринлари барқарорлиги ва ахлоқининг реал даромадлари ошиши қафолати янада мустаҳкамланади. Шу тарихда давлатлардаги иқтисодий масалалар бир-бирига боғлиқ тарзда ечим топади.

Ўлғубек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

УМУМҲҲТ МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИК

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити чамбарчас боғланган давлатларга умумий келажаққа оид долзарб масалалар муҳиятига биргаликда қучайтирилган жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш, мамлакатлар ҳаётига аниқ ва сезиларли ўзгаришлар олиб кириш жиҳатларини тақдим этгани билан аҳамиятли бўлди. Бунинг нуфузли анжуман яқинда 40 дан зиёд муҳим дастур ва қарорлар имзолангани ҳам кўрсатиб турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорлар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янада изчил ривожланишига ҳамда Ўзбекистон раислиги доирасида ҳамкорлиқнинг бир қатор янги йўналишларини ишга солиб, унинг кун тартибидан замонавий воқеалиқни ҳисобга олган ҳолда бойитишга ҳисса қўшди.

Таъкидлаш жоиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти дунёдаги энг йирик минтақавий тузилма сифатида улкан иқтисодий, сиёсий ва демографик саломиятга эга. Хусусан, дунё яқин ички маҳсулотининг 30 фоизи ва дунё аҳолисининг қарийб 50 фоизи ШҲТга аъзо мамлакатларга тўғри келади. Унга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошади. Бу — Евроосий қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғи, дегани. Қолаверса, ШҲТ макони — улкан хомашё захиралари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, малакали ишчи кучи ва инсон капиталли, технологиялар салохият мавжудлиги нуктаи назардан ўзини ўзи таъминлайдиган минтақа ҳисобланади. Бу эса ташкилотнинг нуфузи ва дунё саҳнадаги ўрни юқори эканлигини намоян этади.

Бугун ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда ортиб бораётган бир пайтда ШҲТ очик ва конструктив мулоқотни амалга ошириб, қўллаб-қувватлаш масалаларни ўзаро ҳамкорликда, шерикликда ҳал қилиш имконини бераётди. Ташкилот очкилик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги тўғрисида иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорлиқни муваффақиятли тарзда қучураштирамоқда.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани бажариш давомида асосий эътиборни шериклиқнинг янги уфқларини очиб ва иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди. Умуман, Ўзбекистоннинг 2021-2022 йиллардаги раислиги фаол ва мазмундорлиги, муҳим натижа ва ташаббусларга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Қолаверса, мазкур саммит коронавирус пандемияси бошланганидан буюн илгари марта юзма-юз мулоқот тарзида ўтгани ҳамда ташкилотнинг бугунги фаолияти давомида энг кўп давлатлар раҳбарлари иштирок этгани билан ҳам эътиборга молик. Хусусан, саммитда 14 та давлат раҳбарлари қатнашди.

Минтақадаги ва умуман, дунёдаги тез ўзгариувчан вазият билан бирга, ташкилотга аъзоликни кенгайтириш ва қатор давлатларга мулоқот бўйича шерик макомини бериш масаласига ижобий ёндашилганлиги бежиз эмас.

Бу объектив жараён ташкилотнинг минтақамиздаги ролини янада кенгайтирди. ШҲТ аъзолигига Жанубий Осиёдаги энг йирик давлатлар — Ҳиндистон ва Покистон, Самарқандда саммитида эса Эрон Ислам Республикасининг қўшилиши ташкилотни янги истикболларни очди. У улкан Евроосий макониде кўп тизимли ўзаро алоқаларни, хусусан, транспорт, инфратузилма, энергетика, “яшил иқтисодиёт” ва рақамли трансформация каби қўллаб-қувватлаш манфаатли ташаббусларни биргаликда ишлаб чиқариш ва амалга ошириш учун кучли платформага айланди.

Маданий-гуманитар алоқалар — ҳамкорлиқнинг мустаҳкам асоси. Маданиятлар ва аънавлар хилмахиллигини ҳурмат қилиш миллионлаб



одамларга дўстона мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имкониятларини очиб беради. Шу маънода, давлатимиз раҳбари ШҲТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар каби шериклиқнинг қўшимча форматларини яратиб, маданиятлараро мулоқотнинг рақамли шакллари бўлган виртуал музейлар ва ижодий кўргазмалар, илмий конференциялар ташкил этиш ташаббусларини илгари сурди.

Дарҳақиқат, маданият, фан, таълим, спорт каби йўналишлардаги ўзаро алоқалар давлатлар ва халқларни янада яқинлаштиради, дўстона муносабатларни ривожлантиради. Президентимизнинг мазкур соҳалардаги ҳамкорликка оид муҳим ташаббуслари ташкилотга аъзо мамлакатларнинг янада жипслашуви, маданиятлараро мулоқот қўламининг орттишига хизмат қилади. Шу маънода айтиш мумкинки, Самарқанд саммити нафақат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий, балки илмий, маданий алоқалар ривожланиши ҳамда янгича руҳ ва форматда давом этиши учун қўшимча имкониятларни яратиб беради.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгазининг кенгайтирилган мажлисидаги нуктида қатор муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. “Шанхай руҳи” тамойили асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шериклиқни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланишини айтиб, фақат шу йўл билангина ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш мум-

КУЧЛИ ҲОЯ ВА ЭЗГУ МАҚСАД

давлат ва халқнинг яқдиллиги ҳамда ҳамжиҳатлигини таъминламоқда



Бу ҳулосани мақола аввалида бежиз келтирмадик. Ҳар қандай жамиятда ўз фуқаролари орзу-умидини англаб етган, дунё майдониде ана шу эзгу ниятлар, мақсадлар бўлиб йўлида уларни кучли ғоя остида бирлаштириш оқил давлатнинг қудратли бўлади. Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити ақилури Ўзбекистонда бу борада муйанг таърибга тўлганлигини кўрсатди. Биз ана шу ҳолатларни нимага кўришимиз мумкин?

Авалло, Ўзбекистонда ривожланишнинг эволюцион йўли, яъни Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтиш йўли ҳаётимиздаги муаммоларни изчил ҳал этиш, давлатчилик тизимини мустаҳкамлаб боришга имкон яратяпти.

Ўз навбатида, дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликка интилиш ҳамда илғор таърибларни ўрганиш, шунингдек, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш экспорт салоҳиятимизни оширмоқда.

Қолаверса, бюджет харажатлари ижтимоий соҳага йўналтирилгани, хусусан, фан ва таълим-тарбиянинг қўллаб-қувватлашиши ижтимоий муҳитга жўшқинлик бағишлаяпти.

Шу билан бирга, тадбиркорликка кенг йўл очилиб, ишбилармонларни химоя қилиш ишлари қучайтирилиши ҳисобига одамларнинг ўз турмуш даражасини янада фаровонлаштиришга бўлган интилишини ошириб юборди.

Бундан ташқари, саммитга тайёргарлик мамлакатда ўтказилаётган кенг қамровли ишловлар доирасида рўбига чиқарилди. Яъни бунда, энг аввало, халқ манфаати, ҳаётимиз фаровонлигини ошириш ва Самарқанд халқаро сайёҳлик ҳабиға айлантириш мақсади биринчи ўринга қўйилди.

Ўзбекистондаги ана шу очик сиёсат ШҲТ давлат раҳбарларининг бу галги саммитга катта иштиёқ билан келишини таъминлади. Негаки, улар глобаллашув шароитида, дунёда қарама-қаршиликлар авж олган бир пайтда ушбу саммитдан ўз давлатлари учун манфаат қўришга ишондилар. ШҲТнинг Самарқанд саммити дунё ҳамжамиятига фақат ҳамкорлик, самимий рақобат ҳар бир мамлакат тараққиётини таъминлашнинг яна бир қарра ислобат берди.

Айнан шунинг учун ҳам саммит қутилган натижаларни берди. Бинобарин, барча давлат раҳбарлари ўз юрти манфаатини қўлагани ҳолда, мазкур ҳамкорлик ташкилоти сифатида янги марраларга эришиш режа ва тақлифлари билан келди.

Бир тасаввур қилиб кўринг, бир-бирига Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ҳамда Термиз — Мозорини Шариф — Қобул — Пешовар темир йўллари қурилиши қанча давлатлар ва умуман, Евроосий минтақаси ривожланишига хизмат қилади? Айни ҳолда Ўзбекистон ўртага ташлаган 50 дан ортиқ тақлиф ва ғояларнинг ҳар бири томонларнинг манфаатларига мос келди ва ҳаракат учун қабул қилинди.

асосларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида яқунлаш белгиланган. Лойиҳа Хитойдан Ўзбекистон орқали Европада ва жанубий йўллар билан Форс кўрфазини давлатларига ташуварларни ҳамда савдо географиясини кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Президентимиз “Ушбу икки лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ва инвестицияларни қўлайитириш, умуман олганда, ташкилотимиз макониде барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминлаш учун кенг имкониятлар очади”, деб таъкидлади.

Самарқанд саммитида имзоланган ҳужжатлар аъзо мамлакатларнинг манфаатларини қўлайди, минтақада тинчлик ва оқоийшга таъминлашга, ўзаро ҳамкорлик асосида ривожланишнинг янги имкониятларини очиб беришга йўналтирилган. Уларда ШҲТ фаолиятини бугунги воқеалиққа мослаштириш, аъзо давлатларнинг ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт, савдо ва инвестиция, транспорт, экология масалалари билан бир қаторда, маданий-гуманитар каби соҳаларда ҳамкорлик қилишга доир ёндашувлар асос этган. Масалан, ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисида шартнома қўйилганлиги 2023 — 2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси тўғрисида, ШҲТ қотибятии ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ (ЮНЕСКО) ўртасида меморандумни имзолаш тўғрисида, шунингдек, ШҲТ қотибятии ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ (ЮНЕСКО) ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум каби қатор ҳужжатлар мазкур йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаб, истиқболли тараққиёт йўллари кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд саммити арафасида эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” номли мақоласида таъкидлаганидек, “Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишининг яққола ягона йўли — конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафининг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир”. Дарҳақиқат, Самарқанд саммитида эришилган натижалар, белгилаб олинган муҳим устувор йўналишлар конструктив мулоқот асосида яқин ҳамкорлик йўллари мунтазам ёритиб туради.

Ғофуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчик давлат педагогика университети ректори.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Шунингдек, йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти тақомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қўзғинг кечди.

Ушбу ҳужжат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2 та ва “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирди. Яқунда кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини маромига етказиш юзасидан депутатларнинг партия позициясидан келиб чиқадиган тақлиф, мулоҳазалари тингланди ва фрак-

тиббийет муассасасига жойлаштиришгача тўпладиган материалларни тарқоқ ҳолда эмас, балки марказлашган тарзда тиббийет муассасаларидан олишини таъминлашга хизмат қилади. Қизғин муҳокамалар, савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар, “Самарқанд руҳи” келажақда халқро муносабатлар ҳамда глобал ўзаро таъсир доирасида алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди. Ушбу нутқдан келиб чиқиб, партия ва унинг қўйи палатадаги фракцияси олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишда, шунингдек, “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди. Мазкур ҳужжат билан ички ишлар органлари ва ташаббусига қўра наркологик касалликка чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда. Муҳокама этилган қонун лойиҳаси

бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тақлиф ва муносабатлар билдирилди. **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида даставвал “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибни тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжат лойиҳаси билан соҳага оид бир қатор янги нормалар киритилди. Хусусан, ушбу ҳужжатнинг 37-моддаси I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги ишланган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши ҳақидаги меъёр билан тўлдирилмоқда. Фракция аъзолари қонун лойиҳаси партия дастурий мақсадларига ҳамоҳанглиги ва партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда яна бир муҳим ҳужжат бўлишини эътироф этган ҳолда уни маъқуллади. Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, маъқулланди. **Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари дастлаб Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқидан келиб чиқувчи фракция олдида турган устувор вазифаларни муҳокама қилишди. Депутатлар нуфузли саммитда илгари сурилган тақлиф ва ташаббусларни Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси алоҳида қўллаб-қувватлашини қайд этди. Шунингдек, ушбу тарихий нутқдан келиб чиқадиган чоратadbирлар режаси белгилаб олинди. Шундан сўнг фракция аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Юртимизда аҳоли пунктларини қўқаламзорлаштириш, даракт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Лекин айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига бўлган таъжовузор ҳаракатлари, шу жумладан, дарактларни ноконуний кесиш билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган янги нормалар дарактлар ва буталарни қонунга ҳилоф равишда кесиш, қундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳуқуқий асос бўлади. Қизғин муҳокамалардан сўнг ушбу ҳужжат қўллаб-қувватланди. Йиғилишда фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

АМАЛИЁТ БЎЛМАСА, НАЗАРИЯНИНГ НАФИ КАМ

Сувга тушмай сузишни ўрганиш мушкул. Бинобарин, таълим ва тарбиядек катта ҳаёт уммонида ҳам педагогик йўналишлардаги талабалар учун амалиётнинг ўрни бўлакча.

Таълим

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари (ОТМ)да таълимнинг кундузги шаклида ўқийётган 2 — 4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотлари “4+2” тартибда олиб борилишидан қўзланаётган мақсад ҳам уларга катта ҳаёт оstonасида оз бўлса-да, педагогик тажриба тўплашларига имкон яратишдан иборатдир. Яъни эндиликда улар ҳафта давомида 4 кун ОТМда таҳсил олиб, 2 кун мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда амалиёт ўтади. — Педагогик амалиёт даврида амалиётчи-талаба таълим муассасасининг шарт-шароит ва ички тартиб-қоидаларига мослашиб, педагогик жамоа билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади, — дейди Навоий давлат педагогика институти ректори Баҳодир Собиров. — Ўз навбатида, таълим муассасаси ҳам бўлгуси педагогнинг назарий тайёргарлиги, савияси, салоҳияти билан танишиб, ўз тавсиялари билан кадрлар тайёрлашдек жараёнга бевосита жалб этилади. Албатта, амалиёт хамирдан қил суғургандек, силлиқ жараён эмас. Аввалги камчиликлар тақрорланмаслиги, қисқача айтганда, талаба амалиётни тўлақонли ўташи учун нималарга эътибор берилиши ва унга қандай шароитлар яратиш лозим? Навоий давлат педагогика институти ташаббуси билан вилоят халқ таълими ҳамда мактабгача таълим бошқармалари

ҳамкорлигида ўтказилган семинар мазкур масалалар ечимига қаратилди. Семинарда институт талабаларининг “4+2” тизими асосида амалиёт ўташларини ташкил этиш, бўлажақ педагогларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга оид муҳим вазифалар ҳақида фикр алмашилди. — Энг муҳими, мана сенга ҳужжатларинг, истаган жойинг-да амалиётингни ўтаб кел, деган бўлмагур “анъана”га барҳам берилади, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Марат Шомуродов. — “Устоз — шогирд” тизими асосида талабада ўзига ишонч муостаҳмлланиб, ўз мавқеига эга бўлади. — Боғча ёшидаги боланинг таълим-тарбиясида амалиётнинг ўрни нихоятда улкан, — дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ўткир Тиллаев. — Айниқса, соҳадаги ислохотлар бугун тизим жамоаси олдида ўта юқори марраларни кўйган, табиийки, кадрларга талабимиз ҳам анча жиддийлашди. Чунки энди боғчалар банд ота-онанинг фарзандлари учун кунни кеч қиладиган маскан эмас, балки таълим ва тарбиянинг бирламчи бўғини — кутлуғ даргоҳ ҳисобланади. Шундай экан, ушбу муассасада қўйилган пойдевор мустаҳкам бўлмоғи лозим. Семинарда талабаларнинг амалиёти билан боғлиқ ташкилий ҳижатлар муҳокама этилиб, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Темур ЭШБОЕВ «Халқ сўзи».

Назорат ҲАР ИШНИНГ ЎЗ МЕЪЁРИ ВА ТАРТИБ-ҚОИДАСИ БОР!

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — Бизнес-омбудсманнинг вазифаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ушбу ҳуқуқлар ҳамда қонуний манфаатларга давлат органлари томонидан риоя этилиши учун кафолат беришдан иборат.

Бирок ҳўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик ҳақида тақор-тақор айтилаётганга қарамадан айрим назоратчи идоралар томонидан ҳали-ҳамон қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани кишини таъжжубга солади. Шу ўринда сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун Наманган вилояти ветеринария ва чорвачилик ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан эллика яқин ҳолатларда тад-

биркорлик субъектлари ваколатли орган билан келишиш тартибига риоя қилинмай тегишрилганини келтириб ўтиш мумкин. Мисол учун Чуст тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими мансабдор шахслари яқка тартибдаги тадбиркор Ж. О.га қарашли ҳайвонларни сўйиш шохобчасига келганда уларнинг қўлида шундай келишув ҳужжати йўқ эди. Табиийки, бу борадаги тартибга амал қилмаган ҳодима тегишли чора қўришга тўғри келди. Бўлим

вакили Р. А. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддасига асосан базавий ҳисоблаш микдорининг 40 баравари даражасида маъмурий жаримга тортилди. Бошқарма ва унинг бўлимларининг юқорида таъкидланган тегишриуларда иштирок этган яна 6 нафар мансабдор шахсининг ҳар бирига ҳам ҳудди шундай миқдорда молиявий жазо қўйилди. Бизнес-омбудсман девони масъул ҳодимлар томонидан аниқланган юқоридаги сингари ҳолатлар ва айбдорларга нисбатан қўлланилган молиявий чора бошқа тизимлардаги масъул шахсларга ҳам яхшигина сабоқ бўлади, деб ишонамиз.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ «Халқ сўзи».

ФАРҒОНАДАН ЕВРОПАГА 400 ХИЛДАН ОРТИҚ АТИРГУЛЛАР

Кува туманининг “Қорақум” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган “Водий турфа гуллари” маъсуляти чекланган жамиятида 20 та доимий, 100 дан зиёд маъсулий иш ўринлари яратилган. Бу ерда етиштирилаётган анвойи гуллар, асосан, Польша ва Россияга жўнатилмоқда.

Экспорт

— Фарғона вилояти ҳокимлиги кўмағида бизга Кува туманида 9, Фарғона шаҳрида 13 гектар ер ажрати берилди, — дейди “Водий турфа гуллари” МЧЖ раҳбари Файратжон Султонов. — Шу тариқа йил давомида ўртача 1 миллион дона атиргулни хориқга чиқаришга эришлямиз. Буюртма асосида кейинги йилдан Туркия ва Болгарияга йилга 2 миллион дона атиргул экспорт қилишни режалаштирямиз. Ҳозирги кунда шу мақ-



садда янги гулчилик плантациялари ташкил этиляпти. Изланувчан тадбиркор кейинги йилларда Япониядан 100 хил ноёб гул навларидан олиб келиб, маҳаллий иқлим шароитига мослаштиради. Эътиборлиси, бу гул-

лар жаҳон бозорида жуда ҳам харидорлиқ ва қиммат ҳисобланади. Унинг маълум қилишича, етиштирилаётган 400 хилдан ортиқ гуллар узилганидан кейин ҳам бир ойгача яхши сақланади.

мақсадида корхона қошида замонавий иссиқхоналар қуриш қўзда тутилмоқда. Шунингдек, Фарғона шаҳрида жойлашган гул плантациялари ҳудудида туризм объекти бунёд этилади. — Яқинда Англияга борганимда улкан гул плантациясида очилган туризм маскани фаолияти билан танишдим, — дея сўхбатни давом эттиради Файратжон Султонов. — Ана шу тажрибадан фойдаланиб, анвойи гуллар аллелари барпо этиш, сайр йўлакларни, фотосессия ҳудудлари, гулзорли сулалчалар, ўриндиқлар, қаҳвахоналар қуриш, турли байрам тадбирларини уюштириш, маҳорат дарслари ўтказиш эвазига маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этишни мақсад қилганмиз. Ботир МАДИЁРОВ «Халқ сўзи».

Кинофестиваль

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ВА МАДАНИЙ МУЛОҚОТЛАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қайта тикланган “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивалининг ёпилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Кино муҳлисари, олимлар, санъатшунослар, кино юлдузлари ва меҳмонлар иштирок этган ушбу анжуман юртимиз кинематографиясининг ўтмиши, бугунига теран назар солиш, халқро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлардан жамоатчиликни кенгрок ҳабардор қилиши билан аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари, туризм ва маданий мерос вазирини Азиз Абдуҳакимов навбатдаги Тошкент халқаро кинофестивали қирққа яқин мамлакат киночиларини бир жойга тўплаши билан тарих саҳифаларига муҳраганини таъкидлади.

Инсон онги ва қалбига эзгу ғояларни сингдиришда, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлиқни, ижтимоий барқарорлиқни тобора мустаҳкамлашда санъатнинг, айниқса, кинематографиянинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Шу маънода, Тошкент халқаро кинофестивали “Тинчлик, тараққиёт ва маърифат учун!” деган эзгу шиорни ўзида муҳассам этгани беҳиз эмас. Мазкур фестиваль ҳам турли халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги тинчлик, тараққиёт, дўстлик ва ҳамкорлик учун мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилаверди.

Бу йилги Тошкент халқаро кинофестивалида “Ипак йўли дурдонаси” иқидий лойиҳасининг 100 дан ортиқ қизқарғили ва ранг-баранг тадбирлари наинки Тошкент шаҳрида, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилди. Фестиваль давомида юртимиз ва жаҳон кино санъати усталарининг 150 дан ортиқ фильмлари намойиш этилди. Фестиваль доирасида Ўзбекистон ва жаҳон киночилари ўртасида ўзаро мафратли келишувлар, меморандумлар имзоланди. Қўллаб мамлакат-

ларнинг кино кўнлари бўлиб ўтди. Янги фильмларнинг премьералари, киноюлдузлар билан учрашувлар муҳлисларга гоят манзур бўлди. — Тошкент халқаро кинофестивали азалдан меҳр, самимият, иқидий мулоқот, дўстлик рамзи саналган, — деди Беларусь кинематография уюшмаси раиси Виктор Васильев. — Аксарият кино-иқидорлар маъмур фестивалда иштирок этишни оруз қилганлар. Унинг қайта тикланиб, иккинчи бор байрамона руҳда ўтказилгани, ўз ишини муваффақиятли олиб боргани мамлакатингизда кинематографияга катта эътибор қаратилаётганини аңглатади. Фестиваль доирасидаги “ШХТ ва МДХ давлатларининг кино кўнлари”, “Бутунжаҳон кино кўнлари”, “Фестивалда иштирок этувчи мамлакатлар фильмлари намойиши”, фестивалнинг махсус ретро дастури, “Кино 5 кунда” ёшлар халқаро танлови, “Еш кино мутахассислари учун ўқув дастури”, кино йўналиши бўйича олийгоҳга қабул қилинган 220 нафар йигит-қизнинг талабаликка бағишлов маросими юқори савияда ўтказилди.

Маросимда XIV Тошкент халқаро кинофестивалининг “Кино 5 кунда” лойиҳаси голублари аниқланди. Биринчи ўринга ҳаюмюртимиз Темур Муродовнинг “Кассета” фильми лойиқ кўрилди. Шунингдек, тадбирнинг фахрий меҳмони Тақеши Китано фестивалнинг “Жаҳон кинематографиясига қўшган ҳиссаси учун” номинатсиясида совриндор бўлди.

Шу билан ёрқин лаҳзаларга, қайноқ премьераларга, жонли байрам ва учрашувларга бир кинофестиваль ўз якунига етди. Тошкент халқаро кинофестивали чин маънода дўстлик, ҳамжиҳатлик, маданият ва санъат байрамига айланди.

«Халқ сўзи».

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ САМАРАСИ

Кейинги йилларда юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам инфратузилмани яхшилашга бўлган эътибор ортиди. Натижада узоқ йиллар давомида ечимини кутиб турган муаммолар иқидий ҳал бўла бошлади.

Қулайлик

Шаҳрихон туманидаги Улюз маҳалласи йўли ҳам абгор ҳолатда бўлиб, одамлар ёзда чанг-тўзон, қишда эса тўпик-қача ботадиган лойдан азият чекиб келаётганди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида яқинда маҳаллада ободонлаштириш ишлари бошланди. Натижада 1,2 км.дан иборат ички йўл эни 4,5 метр, қалинлиги 18 сантиметрдан иборат бетон қоршима билан қўпланди. — Давлатимиз эътибор қаратиб, турмуш шароитимизни яхшилашга ҳаракат қилаётган экан, биз фуқаролар ҳам бунга жавобан барпо этилаётган қулайликларни асрашимиз керак, — дейди меҳнат фахрийси Аҳмадали ота Искандаров. — Дейлик,

ҳовлимизда битта гишт оёқ остида ётса, уни олиб бир четга қўямиз. Маҳалла ҳам бизнинг йўлимиз. Шундай экан, бу ердаги ҳар бир нарсани асраш орқали ўз хиссамизни қўйишимиз керак. Бугунги кунда вилоятда 10 минг 883 км. ички йўллар мавжуд бўлиб, шундан 4 минг 504 км. ички ҳўжалик йўллари таъмирга муҳтож. Ҳар йили амалга оширилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари туфайли бу рақамлар қисқариб бормоқда. Зеро, раво йўллар узоғимизни яқин қилиш билан бирга, тараққиётимизнинг асосий белгиларидан биридир.

Саминжон ҲУСАНОВ «Халқ сўзи».

ЧИФАТОЙЛИК БАДАВЛАТ СОҲИБКОРЛАР

Абдимурод бобо ҳақида эшитгандирсиз?.. Билмасангиз, билиб олинг — машҳур лимончи. Жаҳон ахборот тармоғидан хорижиқ лимончилар тажрибасини ўрганиб, ўрганганларини ўзи истиқомат қилаётган Китоб туманидаги Чигатой қишлоғида татбиқ этган тажрибали соҳибкор.

Ибрат

Рости, дастлабки йиллари иссиқхонадаги лимон кўчатларини қишда совуқ ормаслиги учун туни билан печка ёқиб чиққан бўлса, кейинчалик Хитой ва Жанубий Корея технологиялари асосида табиий равишда иссиқ сақлаш усулларини ўзлаштирди. Қолаверса, қўни-қўшилларга ҳам ўргатди. У яратган яна бир интенсив технология шундан иборатки, 10 сотих иссиқхонага 200 тул лимон кўчатини жойлашти-

ришинг уддасидан чиқди. Парвариши ва агротехникасини ҳам интернетдан олди, китоб “Титкилаб” ўрганди, изланди. Айтмоқчи, отахоннинг оддийгина кўринган “Излаган имконият топади” деган фалсафасида теран маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, у изланиб қўп нарсга топди ва топганлари рўзгорига, оиласига барака келтирди, юрт тўқинлигига ҳисса бўлиб қўшилди. — 2005 йилда “Жўрабек Абдимурод

ўғли” деҳқон ҳўжалигини очган бўлсам, шундан буюн иссиқхонада лимон парваришлаб келаман, — дейди Абдимурод Ашуров. — Ўтган йили интенсив усулда экилган 10 сотих иссиқхонадаги лимондан 60 миллион сўм даромад олдим. Бу йилги даромад янада салмоқли бўлишини мўлжаллаб турибмиз. 25 сотих жойда экилган 200 тул интенсив гилосдан 20 миллион сўм даромад келди. Демокчи бўлганим, меҳнат ортидан кам бўлмадим. Ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз тўқис. Шу ўринда бир гап, “иш йўқ” ёки “ишсизман” деб баҳона излаётган, тоғни урса талқон қиладиган йигитлар Чигатой қишлоғига келиб, биздан ўргансин. Хамма гап инсоннинг истиағи, омилкорлигига боғлиқ. Биласизми, қишлоғимиз аҳолисидан деярли барчаси соҳибкор, биргина узумчиликнинг ўзидан 25 — 30 миллион сўм

даромад қияпти. Камбағаллик йўқ ҳисоби. Энг муҳими, бутун оила фойдали меҳнат билан банд. Абдимурод бобо ҳақ. “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi Чигатой қишлоғида 300 га яқин хонадонлар бўлса, ҳаммаси узумчиликнинг ҳадисини олган. Эртаю кеч боғидан бери келмайди. Даромадни хориждан ёки бошқа ҳудудлардан эмас, шу тоқзорлардан излайди. Таҳлилларга қўра, қишлоқда у ёқ-бўёғи 50 гектар тоқзор бўлиб, ўрта ҳисобда 250 — 300 тоннага яқин ширин-шакар узум етиштирилади. Эътиборлиси, маҳсулотнинг аксарият қисми воситачилар орқали экспорт қилинади. — 2019 йилда “Жамшид Ашуров лимон боғи” оилавий корхонасини очиб, фарзандларимни ҳам узумчилик ва лимончиликка ўргата бошладим, — дея сўзини да-



вом еттиради Абдимурод бобо. — Ҳозир ўғлим Жамшид билан 80 сотих жойда

“Қирмизи тоифи”, “Хусайни”, “Сўғдийна”, “Қорағўзал” ва “Кишмиш” навли узум етиштирямиз. 40 сотих тоқзоримиз бу йил ҳосилга кирди. Насиб ётса, ундан 25 миллион сўмдан зиёд даромад олишни мўлжалляямамиз. Келгуси йил яна 40 сотих тоқзоримиз ҳосилга киргач, ўзимиз музлаткичи оғбор қуришни, узумни қишда сақлаб, бозорларга чиқаришни қўзлаб турибмиз. Умуман, оила даромади ва фаровонлигида ишбилармонликнинг аҳамияти беқийс. Томорқадан сифатли ва мўл ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилиш, ҳар бир маҳсулотни етиштириш борасида зарур билим ва кўникмага эга бўлиш лозим. Шундагина ҳосилнинг чўғи баланд бўлиб, юқори даромад олишга эришилади. Асосийси, томорқачилик маданияти янада юксалади. Китоблик миришкор Абдимурод Ашуровнинг тўқинлиқни, ҳаяжон билан сўзлаши — жайдари фалсафасини тинглар эканмиз, бошқа гап ортиқча, деган ҳулосага келдик.

Фахриддин БОЗОРОВ «Халқ сўзи».

ЕВРООСИЁНИНГ ГЕОСИЁСИЙ МАРКАЗИ САМАРҚАНДАГА КЎЧМОҚДА

15-16 сентябрь кунлари

Шарқий Европа ва Қизил денгиз қирғоқларидан, то Жануби-Шарқий Осиёгача бўлган ҳудудни “Самарқанд руҳи”нинг бунёдкорлик энергияси бирлаштирди. Бу, айниқса, бутун дунё ишонч етишмовчилигини бошидан кечириётган бир даврда жуда долзарб аҳамият касб этди. Тадбирнинг вазифаси — ташкилот маконида яхши қўшничилик ва барқарорлик муҳити ўрнатилишидан иборат бўлиб, унинг тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро фойдали мулоқот учун конструктив майдон, самарали ҳамкорлик ва тараққиёт зонаси сифатидаги имкониятларини кенгайтиради.

Бундай эҳтиёж юзага келганига анча бўлган. Замонавий дунёдаги инкирозни вазиятлар глобал майдонда мислсиз ишонч етишмовчилигини келтириб чиқарди. Мамлакатлар ўзаро яқинлашув, изчил ривожланиш учун зарур механизмларни биргаликда ишлаб чиқиш ҳамда чақирикларга тегишлича жавоб бериш заруратини ҳис қила бошлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ШХТ мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви арафасида матбуотда эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро бoғлиқлиқдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали дастурий мажмуасида ана шу учрашувнинг асосий йўналишини белгилаб берди, десак, муволаф эмас. Ўзбекистон раҳбарининг фикрича: “Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яқин ягона йўли — конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инкироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, урта ёки кичик бўлсин, ўзаранинг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саяё-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир”.

Евроиттифоқ ва Марказий Осиё алоқалари бўйича тадқиқотчи ва сиёсий таҳлилчи Вита Кобиела Ўзбекистон раҳбарининг дастурий чиқишини шундай шарҳлади: “Шавкат Мирзиёевнинг мақоласи шунчалик кучлики, у нафақат Ўзбекистон халқи, унинг қўшнилари ёки ШХТ аъзо-мамлакатлари, балки бутун дунё учун муҳим ҳужжатга айланиб беришга мурожаатнома ёхуд манифест бўлишга мурожаатнома”.

— Ушбу мақолада Ўзбекистон раҳбари ҳақиқий Шарқ донишманди қиёфасида гавдаланган, унинг ҳар бир жумласи чуқур мазмунга тўла, кўнгилга хотиржамлик бағишлайди ва мустақам таянч бўлади. Бундай таянч айна вақтдаги беқарор вазиятда, Президентнинг ўзи айтганидек, “тарихий эврилиш” палласида етишмаяпти. Аниқки, Шавкат Мирзиёев халқро жараёнларни нафақат глобал, балки оқилона баҳолайди, дейди эксперт.

Дипломатия тантанаси

Кимдасир савол туғилиши мумкин: ШХТ саммити режали тарзда ҳар йили ўтказиладиган йилгилиш бўлса, ташкилот етакчи-аъзоларининг Самарқанддаги учрашуви нимаси билан ажралиб туради?

Албатта, биринчи галда бутун сайёра бошидан кечириётган фундаментал трансформацияни ҳисобга олсак, юқори даражадаги анжуманининг аҳамиятини таъкидлаш лозим. Аввал пандемия, кейин келишмовчилик ва тўқнашувлар жаҳонни ташвишга солмоқда. Шундай вазиятда ҳам бир қанча давлатлар раҳбарлари бир жойда йилгиланининг ўзи катта аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ШХТ етакчилари, мулоқот бўйича ҳамкорлар, кузатувчилар ва меҳмонларни бир майдонга йиғиш борасида олиб борган саяё-ҳаракатлари мамлакатимизнинг сиёсий обрўсини юксалтиради. Самарқандда аниқ келишув ҳужжатлари тузилгани эса бунинг аҳамиятини янада оширади.

Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида ШХТнинг асосий афзалликлари санаб ўтгани бежиз эмас: бу — ташкилотнинг турли блоклардан холи макомга эга экани, очиклик, учинчи мамлакатлар ёки халқро

ташкilotларга қарши қаратилмаганидир. Боз устига, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик сингари омиллар бизнинг замониимизда нафақат ташкилотнинг заруратини оширади, балки уни энг истиқболли тузилмага айлантиради.

Хатто “эски” таркибда ҳам ШХТга жаҳон ЯИМнинг тахминан тўртдан бир қисми ва сайёрамиз аҳолисининг ярми тўғри келар эди. Самарқандда Эроннинг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланди, бу эса Техрон учун ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлишига йўл очиб берди. Таъкидлаш лозимки, ушбу қарорни айнан раислик қилувчи ҳуқуқига эга Шавкат Мирзиёев эълон қилди.

кўрсатади, балки бошқа аъзо давлатлар томонидан илгари суриётган тақдирларни қўллаб-қувватлайди. Масалан, яқинда республика ШХТнинг улкан салоҳиятини транспорт, коммуни-кациялар, логистика, инновацион ва рақамли ҳамкорлик, маданий ҳамда ижтимоий дипломатияни ривожлантиришга йўналтириш заруратини қайд этди.

Нашр экспертлари таъкидлашча, илгари Ҳиндистон ва Покистон ҳисобига мустақамланган ташкилот яқин орада Эрон, Беларусь, Миср, Қатар, Саудия Арабистони ҳисобига янада кенгайди. Улар, шунингдек, Туркиянинг ҳам тузилмага қўшилишини башорат қилишмоқда. ШХТ Самарқанд саммитининг ўтказилиши, унинг ташкил этилиши ва натижаларини нашр шарҳловчиси

стратегик қадам, шунингдек, минтақа ҳамда очик ва прагматик сиёсат олиб бораётган бизнинг мамлакатимизнинг обрўси, нуфузи ортиб бораётганининг тасдиғидир, дея баҳолашди.

Тармоқда шундай видео ҳам тарқалдики, унда саммит тадбирлари тугагач, Россия Президенти анжуман ташкилотчиларини самимий қутлади. Владимир Путин уларга намойиш этилган меҳмондўстлик ва профессионаллик учун миннатдорлик билдирди.

Айтиш жоизки, Россия раҳбари анжуманга қуруқ қўл билан келгани йўқ: икки томонлама учрашувда у Ўзбекистон Президентига икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлиқни мустақамлашдаги катта хизматлари учун Александр Невский орденини топширди. Бу мукофот хорижий

бўлди, — дейди Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раҳбари Сиддхарт Саксена. — Айнан мазкур шаҳарда Президент Шавкат Мирзиёев ҳамжиҳатлик борасидаги муҳим ташаббуслари илгари сурди. Айтиш мумкинки, “Самарқанд руҳи” келажакдаги халқро муносабатлар ва глобал ўзаро таъсир доирасида алоҳида аҳамият касб этади.

“Самарқанд руҳи”нинг бирлаштирувчи кучи дунёнинг энг йирик давлатлари раҳбарлари Самарқандда тўпланиб, Ўзбекистон раислигида инсоният катта қисмининг тараққиётини белгилайдиган технологиялар, атроф-муҳит, энергетика, инсон капитали ва бошқа қатор муҳим мавзуларда конструктив мулоқот ўтказганилига намоён бўлди.

“Самарқанд руҳи” ўзаро ҳамжиҳатликка

ради”. “ШХТ оиласи” мамлакатларининг саммитида иқтисодий вектор энг муҳим масалалардан бири, деб белгиланган: бу — ҳам савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, ҳам саноат кооперациясини кенгайтириш масалалари. Маълумки, ўтган йил давомида аъзо давлатлар ташки савдосининг ҳажми учдан бир бараварга ортиб, саккиз триллион долларни ташкил этди, ШХТ мамлакатларининг ички товар айланмаси 40 фоизга, яъни 768 миллиард долларга кўпайди.

“Forbes” журнали мутахассиси ШХТ доирасидаги ҳамкорлик векторларини, хусусан, иқтисодий омилларни таҳлил қилар экан, Самарқанд саммити нега Фарб учун муҳим, деган саволга жавоб топди. Шавкат Мирзиёевнинг чиқишидан бир неча бор иқтисоб келтирар экан, ШХТ Евроосиёда энг йирик иқтисодий ҳамкорлик муассасаси эканини қайд этди. Худди Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти сингари, у ўз аъзолари ўртасидаги савдо ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилади ва уларни йирик бозорлар — АҚШ ва Европа билан боғлайди. ОАВ ҳамкорлик доирасидаги кенг қўламли ривожланиш дастурларига ҳам эътибор қаратади. Улар кўпинча Хитой ва Марказий Осиё товарларини Европага етказиб бериш усули сифатида қаралади. Лекин шуниси муҳимки, бу логистика инвестициялари фақат Фарбдаги истеъмолчилар учун ресурс ва саноат маркази сифатидаги макрими-ни сақлаб қолишга эмас, балки минтақанинг ўзини ривожлантиришга ҳам йўналтирилгандир.

Сўнгги йиллардаги аъналарга риоя этган ҳолда, Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти форматига ҳам афгон масаласини илгари суради. Президентимиз чиқишида эътироф этилганидек, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, уни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тиклаш масалалари ШХТнинг асосий устуворликлари қаторидан ўрин олган. Демак, ШХТ Афғонистонни минтақавий ташаббуслар ва инфратузилма лойиҳаларига жалб этиш мақсадига аниқ хатти-ҳаракатларни амалга оширади. Негаки, унинг ҳудудидан тарқалаётган хавфсизликка таҳдидларни қамайтириш лозим. Бу мамлакатнинг урушдан кейинги келажаги бўйича стратегия эса, ташкилот маконида узоқ муддатли хавфсизлиқни таъминлаш бўлиб қолади.

Экспертлар таъкидлашча, жорий шарт-шароитлар чақирикларга қарши адекват муносабат билдириш учун ҳамкорликда механизмлар ишлаб чиқиш керак бўлади. Ташкилотга аъзо давлатларда ШХТ маконидаги хавфсизликка таҳдидларнинг ўзгариш характерини ташвишга солмоқда. Бунда “уч ёвуз куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда бирлашиш, аъзо давлатларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича саяё-ҳаракатларни бирлаштиришга чақирилади. Шу боис Самарқанд саммити ҳам ташкилот ҳудудига хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш механизмларини тақомиллаштиришга туртки беради.

Америкада чиқадиган халқро муносабатлар ҳақидаги “The National Interest” журнали муҳбири ўзининг Самарқанддаги ШХТ саммитига бағишланган мақоласида ёзишча, ички ўзгаришлар ҳам стратегик маконда юз берадиган катта геосиёсий ўзгаришлар даврида рўйбга чиқади. Бу эса шунини изоҳлайдики, нима учун Тошкент минтақавий ва халқро ишларда етакчи ролни ўзига олишга интилади, шу жумладан — Шанхай ҳамкорлик ташкилотига: унда Ўзбекистон Россия ва Хитой каби давлатлар билан яқин ҳойлашган ҳолда сиёсий ва иқтисодий ислохотлар йўлини давом эттира олади. Мақолада айтилишича, Ўзбекистон 2016 йилдан бери ислохотлар йўлини босиб ўтди. Ва ўз ҳудудида ШХТ саммитини қабул қилар экан, республика ўзини балоғатини намойиш қилади. Яъни дунё аҳолисининг деярли ярми, Евроосиё ҳудудининг 60 фоизи ва жаҳон ЯИМнинг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи мамлакатларни йиғишда етакчи роль ўйнайди.

— Вашингтон ва унинг иттифоқчилари шунини тушунишлари лозимки, Марказий Осиёдаги қилган тўртта қўшни мамлакатнинг ҳар бири билан чегарадош бўлган Ўзбекистон шу минтақанинг маркази ҳисобланади, — дейилади мақолада. — АҚШ Ўзбекистонга ислохотлар ва тараққиёт йўлида тўлиқ кўмак кўрсатиши ҳамда ишончли ҳамкорга айланиши лозим.

Ўтқир РАҲМАТ.



«Самарқанд руҳи»нинг бирлаштирувчи кучи дунёнинг энг йирик давлатлари раҳбарлари Самарқандда тўпланиб, Ўзбекистон раислигида инсоният катта қисмининг тараққиётини белгилайдиган технологиялар, атроф-муҳит, энергетика, инсон капитали ва бошқа қатор муҳим мавзуларда конструктив мулоқот ўтказганилига намоён бўлди.

Беларусь Республикасига ШХТнинг тўлақонли аъзоси макрими бериш бўйича тартиб-тамоийларни бошлаш тўғрисида, Бахрайн Қироллиги, Кувайт, Мальдив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига мулоқот бўйича ҳамкор макрими бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, Миср Араб Республикаси ва Қатар давлатига мулоқот бўйича ҳамкор макрими бериш борасидаги меморандумлар муваффақиятли имзоланди. Шундай қилиб, саммит ШХТнинг жадал ривожланаётган халқро тузилмага айланиши бўйича янги босқични бошлаб берди. Бунда ўзаро ҳурмат, тенглик ва ишонч руҳи сақлаб қолинди. Ўзбекистон етакчисининг сўзларига кўра, ШХТнинг жуғрофий жиҳатдан кенгайиши — самарадорлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш тамойилларини намоён этаётган ташкилотнинг талабгирлигидан далолат.

Франциянинг “Le Figaro” газетасида эълон қилинган саммитга бағишланган мақолада Ўзбекистоннинг ШХТда қандай роль ўйнаши ҳақида ёзилади. Нашрда таъкидланишича, Ўзбекистон дипломатияси фаол ҳамда кўп қиррали бўлиб, мамлакат халқро муносабатларнинг каттақон шахмат тахтасида муҳим катакни эгаллайди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон нафақат ташкилот ичидаги турли йўналишларнинг ривожига таъсир

“Ўзбекистоннинг буюк дипломатик галабаси” деб атади.

Етакчилар сони бўйича рекорд

Ўзбекистонда саммитга катта тайёргарлик кўрилди. Анжуман меҳмонлари ва тадбирни ёритувчилар учун жуда қулай шароитлар яратилди. Ҳиндистон Бош вазир Нарендра Модии асосий мажлисда иштирок этиш, қатор учрашув ҳамда музокараларнинг ўтказиш билан бир қаторда, ўзининг “Twitter”даги саҳифасида қуйидагиларни ёзди: “ШХТ саммитида самарали икки ва кўп томонлама учрашувлар олиб бордик. Ўзбекистон халқи ва ҳукуматиға меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдираман”.

Шундай миннатдорлик мактубини Ўзбекистон Президенти номиға Хитой раҳбари ҳам юборди. Си Цзиньпиннинг фикрича, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити катта муваффақият билан ўтди, у ташкилотнинг соғлом ва барқарор ривожланишиға кўмаклашишда тарихий аҳамиятга эга.

Айтгандай, бир қатор хорижий ОАВлар шунга эътибор беришдики, ХХР Раисининг коронавирус пандемиясидан сўнг дастлабки хорижий сафари айнан Марказий Осиёға, хусусан, Ўзбекистонға бўлди. Улар бу қарорни ШХТ бўйича ҳамкорлар билан дўстлик алоқаларини мустақамлашга қаратилган муҳим

сиёсат ва жамоат арбобларига улкан хизматлари учун берилди.

Шавкат Мирзиёев номиға юборилган самимий тилаклар орасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин томонидан анжуманининг аҳойиб ташкил этилганлиги ва меҳмондўстлик учун билдирилган миннатдорлик ҳам бор. У Ўзбекистон томонидан ўз раислиги даврида кўп томонлама ҳамкорлиқни мустақамлаш бўйича амалга оширилган катта ва самарали ишларни юқори баҳолади.

Кузатувчилар ҳисоб-китобига кўра, Самарқанд саммити унда қатнашган давлат раҳбарларининг сони бўйича рекорд натижа кўрсатди. Шундай қилиб, саммит ташкилот фаолият кўрсатган 21 йиллик тарихда энг ваколати юқориси бўлди. Мамлакатлар етакчиларини нафақат қоронавирус билан боғлиқ вазият, балки шахсий эътирозлар ҳам бир-бирдан ажратиб турган бир даврда кўплаб давлатларнинг раҳбарларини битта стол атрофиға йиғиш кўп нарсадан далолат беради. Саммит кунлари экспертлар қайд этишчиға, дунё нигоҳи Самарқанддаги ШХТ саммитига қаратилди. Негаки, иштирокчи давлат раҳбарлари сонига кўра у музокаралар учун тарихий платформаға айланди. Ва шундай имкониятни тақдим этган Ўзбекистон, албатта, жуда оқилона йўл тугган.

— Биз бетакор Самарқанд шаҳрида, маданиятлараро мулоқот ва маданиятлар кесишган масканда йирик воқеанинг гувоҳи

эришишға ўз ҳиссасини қўшгани кўзға яққол ташланди. Шу муносабат билан Президент

Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдан буюн мамлакатда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ўзгаришлар шароитида амалға оширган ташаббуслари минтақа давлатларини бир-бириға яқинлаштириш орқали нақадар улкан натижаларға эришиш мумкинчилигини кўрсатди.

Буюклик ҳақида эслатиш

Ўзбекистондаги саммит нафақат иштирокчилар, балки қабул қилинган битимлар сони бўйича ҳам рекорд ўрнатди — аъзо давлатларнинг биргаликдаги саяё-ҳаракатлар **44 та ҳужжатда** ўз аксини топди. Давлат раҳбарлари энг долзарб масалаларни эътибордан четда қолдиришмади, булар — энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида кучайиб бораётган дегрэдация, мавжуд логистика йўналишлари ва етказиб бериш заңирларининг бузилиши, сайёрамиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ёмонлашувидир.

Шарқ қишқатларидан бирида айтилишича, “Аҳил оила ерни ҳам олтинға айланти-

Албатта, Буюк Ипак йўлининг дурдонаси бўлмиш Самарқанддаги саммит натижалари кўплаб таҳлилчилар учун ҳали узоқ вақт мулоҳаза қилиш мавзуси бўлади. Лекин ҳозирнинг ўзида аёнки, бу ерда шаклланган ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик руҳи мамлакатларнинг янада яқинлашувиға хизмат қилади, уларни тинчлик ҳамда тараққиёт йўлидан боришға илҳомлантиради.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеков.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 **Тошпирилди — 01.25** **1 2 3 4 5 6**